ФАРЗАНДСИЗЛИК МОТИВИ ВА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР

А.А.Қаюмов

Мақолада характернинг миллий хусусиятлари Н.Жалолиддиннинг «Офтоб исли бола» ҳикояси мисолида ўрганилади. Адибнинг образ яратиш маҳорати, деталларнинг қаҳрамон руҳиятини очиб беришдаги ўрни, эпик кечинманинг миллий урф-одатлар билан бойитилгани мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *персонаж, қаҳрамон, деталь, миллий характер, пейзаж, мотив, ҳиссиёт, руҳият, нутқ, портрет, рамз.*

В статье исследуются место и роль национального характера на примере рассказа Н.Жалалиддина «Oftob isli bola». Проанализированы мастерство создания образов, роль психологической детализации героев, эпическое состояние, основанное на национальных традициях и обычаях.

Ключевые слова*: персонаж, герой, деталь, национальный характер, пейзаж, мотив, чувство, психика, речь, символ.*

The article investigates the place and role of national character on the example of the story by Nabi Jaloliddin «Oftob isli bola». The author's proficiency of creating characters, the role of detailed in revealing character's mentality, epse feelings based on national customs and traditions are analyzed.

Keys words: *character, hero, detail, national character, scenery, motive, feeling, psychology, speech, symbol.*

Ўзбек миллий менталитетида фарзандсизлик фожеа сифатида қабул қилинади. Бу мотив адабиётимизнинг узоқ тарихида кўп бор қаламга олинган. Масалан, «Алпомиш» достони ҳам фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Бойбўри ва Бойсари тўйдаги гап-сўзлардан сўнг фарзанд тилаб қирқ кун илтижо қилишади [1]. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги хоқон ҳам фарзандсизликдан азият чекади. Зеро, бола ота-она ҳаётининг мазмуни, қисқа умрининг давоми ўлароқ ушалмаган орзуларини рўёбга чиқарувчи, дунёда қоладиган изи, хуллас, бутун борлиғи сифатида тушунилади. Фарзандсизлик эса – шуларнинг баридан жудолик, фожеанинг моҳияти ҳам шунда. Шунинг учун миллий адабиётимизда характерлар руҳиятини очишда айни мотивдан самарали фойдаланилган ҳоллар кўп учрайди. Мазкур мотивга асосланиб миллий характер яратишда Наби Жалолиддин ўзига хос йўл тутган. Мисол тариқасида унинг «Офтоб исли бола» ҳикоясини тадқиқ қилиб кўрайлик.

Асар бошида фарзанди йўқ эр-хотиннинг машинада кетаётиб тортишиб қолиши, жунбушга келаётган ҳиссиётларини жиловлай олмаган эркак машинани илкис тўхтатгани англашилади:

«Оқ «Нексия» кўприкдан ўтиб, тўхтади. Олд эшик охиригача очилиб, қисирлаб кетди. У хўрсинди-да, икки қўлида рулни чангаллаб, устига жағини тиради:

– Илтимос сиздан, – ёлворди ортида ўтирган аёл. Ҳамма нарсадан тўйган одамдек типирчиларкан, унинг ўнг елкасига кафтини босди. – Ажрашайлик! Балки ашинда…

У силтаниб машинадан тушди-да, эшикни шарақлатиб ёпди. Зардали «уф» тортиб, қўлларини шимининг чўнтакларига тиқди, у ён-бу ён бетоқат аланглади» [2].

Мазкур парчадаги психологик таранглик сабаби фарзандсизликдир. Шу мотив икки кишининг бир-бирига бўлган муҳаббатини ҳам билдирмоқда. Хотин барча айбни бўйнига олиб ажралишни таклиф қилади. Чунки эрини севади, унинг бахтли бўлишини истайди. «Ёзувчи қаҳрамон қалбида кечаётган туйғулар оқимини янги босқичга олиб ўта бошлайди. Энди нохуш кайфият... ҳаракатга кўчади ва аниқ нуқтага қаратилади» [3.213], яъни персонаж табиат қўйнига интилади.

Агар «Алпомиш» достонидаги фарзандсизлик мотиви асосида персонажлар характери эмас, балки эл олдидаги бурч, қарздорлик, мажбурият турган бўлса, мазкур асарда инсон характери, ҳис-туйғуси етакчидир. Демак, фарзандсизлик мотиви тадрижий такомиллаша бориб, индивидуал шахслар характерини белгиловчи, уларнинг руҳий ҳолатини очиб берувчи воситага айланган. Чунки «инсоннинг ижтимоий-физиологик мақоми, унинг имкониятлари даражасига соғлом мантиқ билан ёндашила бошланган замонавий адабиётда ҳаётни мантиқий якунга эга ҳодиса тарзида кўрсатишдан унинг бошиохири йўқ узлуксиз ҳодисотлар занжири сифатида тасвирлаш босқичига ўтилди... Бу ҳол нигоҳларини кўпроқ ўз ички дунёсига қаратган адабий қаҳрамонларнинг табиатидаги яширин жиҳатларни инкишоф этиш учун матнни заргарона аниқлик билан тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради... Бу бадиий

таҳлилнинг асар моҳиятини англатиш воситасига айланаётганидан далолатдир» [4.165]. Демак, юқоридаги парча орқали эр-хотиннинг шу пайтгача яшаган ҳаётини тасаввур қилиш, баён қилинган жараёндаги руҳий ҳолатини англаш мумкин.

Эр ва хотин бир-бирини севади, бир-бирисиз туролмайди, бироқ фарзандсизлик уларни изтиробга солмоқда. Аёл ўз севган кишиси фарзанд кўриб бахтли бўлишини истаб, ажрашишга ҳам рози, лекин эркак буни истамайди. Аёлнинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун машинадан тушиб йўлдан кесиб ўтмоқчи бўлади:

«Аёл ҳам машинадан тушади.

– Узоққа кетиб қолманг! – деб, «сиздан ҳам муҳимроқ ишим бор» қабилида қўл силтаб, гувиллаб ўтаётган машиналарга ён бера-бера йўлнинг нариги бетида ғойиб бўлди.

Унга шу керак эди: айни дамда хотинини кўрмаса бас. Акс ҳолда, қаттиқ тегиб қўяди»[2].

Ана шундай чуқур психологик вазиятда персонаж характеридаги табиат билан ошноликка интилиш, ноумид бўлмаслик, ўзни тута билиш, садоқат каби фазилатлар яққол намоён бўлади. Персонаж инсон сифатида ички оламидаги ҳолат ва ташвишларини, дилини кемираётган муаммоларни товуш ва сўзга айлантириб ифодалашда қийналади, юрагини кемираётган саволларга жавобни, дардига давони, ўзига таскинни табиатдан излайди. Бунда анҳор тўла оқаётган сув, ёлғиз тол, кенглик, ўт-ўлан, мол-қўй каби деталлар уни ўзига тортади. Худди турмуш ташвишлари йигитни қўполлаштирмагани каби толнинг танаси ҳам дағаллашмаган. Шу ўринда боядан бери йигит эътиборини ўзига тортган тол ва унга томон интилган йигитнинг ўзаро ўхшашлиги сезилади. Бешик ҳам толдан қилинади. Тол муҳаббат, бахт тимсоли саналади. Ғилдираклар изидан ўнқир-чўнқир бўлиб кетган дала йўли ўқувчига персонаж ҳаётини эслатади. Бу ердаги суви тез оқадиган анҳор, ёлғиз тол, қиртишланган, эзилган ажриқ кабилар оддий ҳолдек туюлса-да, персонаж руҳиятидаги тўлиб-тошган кечинма, ёлғиз қолиш истаги, фарзандсизлик натижасида ўзини хўрланган ҳис этиш кабилар билан уйғунлик касб этади.

Ёзувчи персонаж тасвири орқали унинг руҳиятини қисқа сатрларда моҳирлик билан тасвирлайди:

«Ўнг кафтида беихтиёр толни силаб, ёнига – ажриққа чўкди. Қўлларини тиззалари узра қовуштирди. Жағини тиради. Қуёшнинг аёвсиз онлари эмасми, машинада димиққанди. Остидаги ўт-ўлан, устидаги новдалар, сув салқини танига ҳаловат бағишлади.

Сувга тикилди.

Анҳор катта эди. Суви лим-лим, тўлқинланиб оқади, устига-устак, шитоб.

Умрни оқар сувга ўхшатишади. Рост шекилли. Ҳозир шундоқ шўнғийману оқаман-кетаман. Аммо ажрашмайман. Ахир уни севаман!.. Ўнг кўзининг четида бир томчи ёш айланди. Нима қилай?! Худо бор-ку, ноумид қилмас… Иккинчи томчи сизди»[2].

Фарзандсизлик оқибатида персонаж қалбида туғилган армон, дард-алам, чорасизлик руҳий парелелизм орқали тасвирда ҳам акс этади. «*Қуёшнинг аёвсиз нури»*, «*Анҳор катта эди. Суви лим-лим, тўлқинланиб оқади, устига-устак, шитоб»* каби психолингвистик воситалар, риторик мурожаатлар персонаж характеридаги нозик жиҳатларни очиб беради. Ёзувчи бунда анҳорнинг катта, суви тўлиб оқиши, шитоб эканлигини нуқта ва вергуллар билан ажратиб, ички такт яратиб беради. Персонажнинг эпик кечинмасига мувофиқ ҳолда шундай йўл танланган. Кўзидан икки томчи ёш сизиши эса унинг орият кучи, ғурурнинг ташқи ифодасидир.

Тадқиқотчи О.Дуйсенбаев қайд этганидек, «нутқий материал характер моҳиятини изоҳлаш, муайян ғояни талқин этиш, онг, савия мураккаблашиши жараёнини тавсифлаш сингари вазифаларни бажаради» [5.19]. Буни яхши англаган ёзувчи персонажнинг мазкур ҳолатидаёқ диалогга олиб киради. Бу тасвирда йигит ва боланинг характеридаги ёлғизликка интилиш, тол тагидан паноҳ топиши, сувдан мадад олиши кабилар орқали улардаги умумийликни очиб берса, боланинг дадил гапириши, йиғладингизми деб сўраши, йигит кўз ёшини яшириши кабилар персонажлар характеридаги индивидуал қирралардир.

Қадим замонлардан бадиий адабиётда етакчи бўлиб келган муаммо талқини кутилмаган ўзгариш олади. Ҳикояда мол боқиб юрган бола унинг ёнига келиши ва тортинмасдан гапириши, сувдаги балиқни чўчитиб юбормасликни сўраши, отаси унга сузишни ўргатмаётгани, болаларга қўшилмаслиги, бир марта сузишни ўрганаман деб сув ютгани кабиларни сўзлаб бериши ундаги ирода эркинлигини кўрсатади.

Аслида мазкур суҳбат ҳикоянинг асосини ташкил этади. Унда миллий характер ва умуминсонийлик тамойили бирлашиб, асар мазмунидаги салмоқдорликни, халқчилликни кучайтиради. Балиқ детали кишининг мурод-мақсадига етишиш рамзи сифатида келтирилиши мазкур икки персонаж ҳаётини бадиий ўрганишни талаб этади. Яъни эркак фарзандга муҳтож, бола ўзига ишонч ва суянч бўладиган ота кўмагига, меҳрига зор. Иккаласи ҳам армонли одамлар. Улар бир-бирини жуда яхши тушунади. Эски қадрдонлардек кўришадилар ва хайрлашадилар. Бир томондан мистикага ишора бор, иккинчи томондан эса, бадиий воқеликнинг эстетик қудрати ҳам шунда кўринади.

Ҳикоядаги тасвир воситалари ва пейзажнинг бир-бирига яқинлиги ёзувчи бадиий-эстетик ниятининг аниқ мақсадга қаратилгани, шакл ва мазмун бирлигига эришганидан далолат беради. Айниқса, бу ҳолат йиғлаб, руҳий изтиробда ўтирган йи-

гитнинг олдига кўнгли очиқ, самимий характердаги бола келиб, офтобда қорайган танаси ва калта шорти билан аввалига йигитга, сўнгра сувга қараб, тол ва йигит ўртасидаги торгина жойга ўтириши, биргаликда балиқни излашларида яққол кўринади. Айнан, балиқ ва боланинг «Илоҳи, фарзандларингиз кў-ўп бўлсин!..» деб тилаган дуоси йигит характери ва унинг ривожига таъсир ўтказади.

Ўғил фарзанд кўрган йигит маълум муддат ўтгач болани яна кўриш учун тол ёнига келади. Болани тополмайди. Унинг ўрнида фарзандидан айрилиб (бола сузишни ўрганаман деб чўкиб кетган эди), фарёд чекаётган отага дуч келади. Бу воқеалардан ўзини йўқотаёзган йигит балиқ ёрдамида оғир ҳолатдан чиқиб кетади ва энди умид рамзини – балиқни қидириш дўппили эркакка ўтади:

«– Манов ерда бир балиқ бор, ака, – деди «гап йўғида гап» қабилида. – Мабодо ўғлингизни кўргингиз келса…

– Қани-қани?! Бу ерга ҳар куни келаман, ука, ҳар куни! Қани аши балиқ?!.. – Ота сапчиб, ўзини сувга отгудай бўлди.

У юраги зир титраб, сув остига умидвор тикилди: хиёл катталашган балиқнинг дум ва қанотлари билтангларди.

– Ана!.. Гоҳо рақсга ҳам тушиб беради!.. – дедию, катта йўл томон юрди. Юз-кўзини ёш ювар, бутун вужуди ёшга айланиб бораётгандек эди…»[2]

Мазкур тасвирда персонаж характеридаги ички қонуният – отанинг дардини тушуниш (энди дўппили эркакда ҳам фарзанд доғи, фарзандсизлик дарди) мавжуд. Ўз фарзандига, бехабар ҳолда, офтоб исли боланинг исмини, яъни Умид деб қўйгани таъсирли тасвирлардан ҳисобланади ва албатта ёзувчининг ноёб топилмасидир.

Ҳикояда миллий характер яратишнинг яна бир ўзига хос томони бор. Бу аёл ва йигит чин дилдан истаган фарзанд ҳамда ота-онанинг чеккан азобларида англанади. Тўғри, ҳикоя композициясида бу ҳақда гап йўқ, чунки ҳикоя кичик шаклда теран маъно ифодалашга асосланган жанр бўлиб, ёзувчига кичик ишора ёки белги орқали ўқувчи онгидаги аввалдан маълум бўлган билим ва тажрибаларни асар матни доирасига олиб кириш имконини беради. Ҳикояда чақалоқ бир жойда, фақат асар охирида қатнашади:

«Машина ортидан хотинининг овози келди:

– Қайларда юрибсиз, Умиджон икковимизни димиқтириб?! Ўғлимизга офтоб ўтиб қолса нима қиламиз, дадаси?!..

Гўдак чинқириб йиғлади. Унга «дадаси» деган сўз жуда-жуда ёқиб кетди» [2].

Парчадан маълум бўляптики, ҳикоя бошида фарзандсиз бўлган эр-хотин ўғилли бўлишган. Аёл нутқидан ўғилнинг исми Умиджон эканлиги ҳақида маълумот берилади. Иккинчидан, ўғлини офтоб уришидан сақлаш мақсадида эрини чақирмоқда. Деярли шу пайтда офтоб исли боланинг исми ҳам Умиджон эканлиги дўппили эркак тилидан айтилади. Йигитнинг руҳиятидаги ўзгариш уни титратиб юборади. Кейин эса бола чинқириб йиғлайди. Асарда чақалоқ образи бошқа кўринмайди, бироқ сюжет воқеаларининг ҳаракатга келишига сабаб бўлган бола персонажи қудратли кучга эга эди.

Асар бошидаги фарзандсизлик мотиви энди болани асраш, тарбиялаш мотиви билан алмашади. Лекин фарзандсизлик дарди дўппили эркакка ўтди. Чунки фарзанди йўқ ота-оналар маънан кемтик, ҳаётида бўшлиқни ҳис қилиб яшайди. Фарзанди бор ота-оналар эса уни асраш, ўз орзу-ҳавасидек етук бўлиши учун қайғуради. Ана шу мотивлар персонажлар характери шаклланишида катта аҳамиятга эгалигини асардан кузатдик.

Мулоҳазалар якуни сифатида «офтоб тафти», «болани офтоб уриши» ҳақидаги ибораларнинг ассоциатив тартибда персонаж психологиясини очиб беришдаги аҳамиятини ҳам таъкидлаш лозим.

Умуман олганда, ушбу ҳикоядаги фарзандсизлик мотиви орқали миллий характер, персонажларнинг соф ўзбекча тафаккур тарзи гўзал ифода этилган. Бунда муаллиф пейзаж, портрет, нутқ (монолог, диалог)дан унумли фойдаланган. Натижада миллий характер ҳикояда ғоя ва муаммолар талқинини ягона тизимга солишда асосий ўрин эгаллаган.

Адабиётлар:

1. Alpomish: O‘zbek xalq qahramonlik dostoni /Aytuvchi: F. Yo‘ldosh o‘g‘li. Yozib oluvchi: M.Zaripov.–T.: Sharq, 2010.- 400 b.

2. Наби Жалолиддин. Офтоб исли бола / O‘zbekiston adabiyoti va san’ati.- 2016.- 17 iyun

3. Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъуллиги. – Т.: O‘zbekiston, 2012.- 374 б.

4. Йўлдошев Қ. Моҳиятни англаш йўли // Шарқ юлдузи.- 2010.- 1-сон.- Б.192.

5. Дуйсенбаев О.И. Ўткир Ҳошимов ижодида она образи. Филол. фан.ном. ... дисс. автореф. – Т., 2011.- 24 б.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 2 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Солижонов)